НАМАНГАН. Тўрақўрғон озиқ-овқат маҳсулотлари комбинатида иш мароми ўзгарди. Комбинат мутасаддилари харидорлар талабини инобатга олиб, тўрт хил макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Комбинат ҳар

ТЎРАҚЎРҒОН МАКАРОНЛАРИ

куни савдо шоҳобчаларига макарон маҳсулотлари етказиб беряпти. Гулбаҳор Халилова, Карима Усмонова, Акрамжон Тожибоевлар ишлаб чиқаришнинг бу соҳасини яхши ўзлаштириб олишган.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

БУХОРО. *"Бухоронон" ҳиссадорлик жамиятида аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда қуритилган квас хом ашёси ишлаб чиқарилаётгани кўпчиликка*

УЙ БЕКАЛАРИГА ҚЎЛ КЕЛАДИ

маъқул келмоқда. Қадоқланган чанқовбосди ичимликни уй шароитида тайёрлаш мумкин. Айни саратонда хонаки квас тайёрлаш учун яратилган қулайликлардан уй бекалари мамнун.

Даврон БАҲРОНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ҚАШҚАДАРЁ. Муборак шаҳрида аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Яқинда бир йўла 10 та автобекат фойдаланишга топширилди. Шарқона усулда бунёд этилган бу

ДЎКОНИ БОР БЕКАТЛАР

бекатларда йўловчилар учун шарт-шароитлар муҳайё. Энг муҳими, шу ернинг ўзида дўконлардан зарур буюмларни харид қилиш мумкин. Дўконли бекатлар қуриш давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ.

НУКУС. *Қорақалпоқ санъатида ўзига хос воқеа бўлди. Бердақ номидаги давлат музикали театри жамоаси илк марта балет асарини саҳналаштирди. "Айжамол" балети томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Асар*

"АЙЖАМОЛ" САҲНАЛАШТИРИЛДИ

мусиқасини Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Н. Муҳамеддинов ёзган. Балетни бош балетмейстер Т. Хўжасов саҳналаштирган.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 30 июль, сешанба № 97 (22.018).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган



Мустақиллик шарофати

ОҚСАРОЙ ТИКЛАНМОҚДА. Муҳаммад АМИН олган сурат.

БУЮК КЕЛАЖАК ҲАММАМИЗГА НАСИБ ЭТСИН!

Ҳозирги мураккаб шароитда ижтимоий муҳофазага йўналтирилган бозор иқтисодиётига эришиш халқимиздан ватанпарварлик, маънавий юксаклик, ташаббускорлик ва фидойиликни талаб қилади. Халқчил чора-тадбирларнинг самаралари кишилар турмуш, шароитида муайян ўзгаришлар ясаётгани шубҳасиз.

Буюк манзилларни кўзлаб, олис сафарга чиққан йўловчи ортига бирров назар ташлаб, босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилади. 1996 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш якунлари ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши муҳокамасига бағишланган мажлисни ҳам худди шунга қиёсласа бўлади. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, жорий йил мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида туб бурилиш, ижтимоий ривожланишнинг янги босқичи бўлди.

Президентимизнинг мазкур мажлисда сўзлаган нутқида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириб боришга, хусусан хусусийлаштиришга янада жиддий эътибор қаратилди. «Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислоҳот учун ислоҳот эмас, балки аввламбор халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда деган ишонч бахш этади. Биз осон йўлни қидирмадик. Шу ўринда мустақил давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганлигини эслатиб ўтиш жоиздир», дея эътироф этди юртбошимиз.

Ҳа, биз нимагаки эришган бўлсак, жаҳонда тараққий этган мамлакатлар билан дўстлик, ҳамкорлик ришталарини нечоғли боғлаган бўлсак, ҳаммасига битта йўлдан — танлаб олган йўлимиз очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган йўлдан бориб эришдик. Бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга ошириш, келажаги буюк давлат қуришдек мақсади-мизни рўёбга чиқаришда ислоҳотлар йўлидан изчиллик билан оғишмай бориб, ютуқ ва камчиликларимизга холисона баҳо беришимиз лозим. Нуфузли мажлиснинг асосий мақсади ҳам шу бўлди. 1996 йилнинг биринчи ярим йиллиги чин маънода мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида юксалиш йили бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шу ўринда оламшумул аҳамиятга эга бўлган, яқин кунларда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда Асака шаҳрида қуриб ишга туширилган автомобиль заводини ёрқин мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларни ижтимоий-иқтисодий рағбатлантириш борасида ҳам ҳукуматимиз томонидан бир қанча хайрли ишлар қилинмоқда. «Аҳолининг 1991 йилдан кейин қадрини йўқотган омонатларини индексация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга молик бир тадбир, Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва хайрли эканини тасдиқловчи бир воқеа бўлди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Ижтимоий адолат тикланди — 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларига уларнинг 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйган ва умумий миқдори 35 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Шу йилнинг 24 июлига қадар махсус «Индексация» деб аталувчи ҳисоблардан аҳолига бир миллиард сўм тўланди ва 20 миллион сўм бошқа омонат шаклларига қайтадан расмийлаштирилди», деди Президент ўз нутқида. Ҳукуматнинг бу халқчил, одилона сиёсати миллионлаб юртдошларимизга катта қувонч бахш этди.

Юртбошимиз нутқидан, ярим йиллик сарҳисобдан келиб чиқиб бир нарсани эътироф этишни истардикки, иқтисодий ривожлантиришда раҳбарликнинг роли жуда муҳимдир. Зукко раҳбарлар ишлаётган корхона, ташкилотлар ва муассасаларда адолатли чора-тадбирларнинг самаралари, аҳолининг ижтимоий ҳаётида тобора юксалиш жараёнлари кузатилмоқда. Унда албатта бошқарувчининг роли катта аҳамиятга эга. Бироқ, қолоқ, уқувсиз, журъатсиз раҳбарлар етакчилик қилаётган жойларда одамларнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан кўнгли тўлмаётгани сир эмас. Бундай раҳбарлар бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга оширишда ҳалақит бериши табиий.

Ҳа, ўз мулкига эгалик ҳиссининг устиворлиги бугунги иқтисодий ривожланишларга метин замин ҳозирлади. Бу йилги сифатли ва мўл-кўл донни ҳеч бир нобудгарчилик-исрофгарчиликсиз йиғиштириб олиш учун кечани-кеча, кундузни-кундуз демай курашган ватанимиз ғаллакорларининг фидойилигини Ислом Каримов юксак баҳолади. Деҳқонларимиз юмушини енгиллаштириш борасида қилинган бирталай ишлар қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг янги шароитда ишлашига имконият яратди. Америкадан сотиб олинган ишлаш учун энг қулай имкониятларга эга «Кейс» русумли комбайнларнинг ўзбек даласида жавлон уриши ҳам бу ютуқларга ўз ҳиссасини қўшди.

Бозор иқтисодиёти босқичида қимматли қоғозлар бозорининг ташкил этилиши ҳам ўзининг юксак самараларини бера бошлади. «Қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ ташкил этилган, бироқ ҳанузгача сезиларли натижа кўзга ташлангани йўқ» дея куйиниб таъкидлади Президент.

Ҳа, одамлар онгида янгича тафаккур уйғотиш, уларнинг кенг қатламларида қимматли қоғозларга эгалик қилиш, улардан юқори суръатларда фойдаланиш ҳиссини шакллантириш, кучайтириш лозим. Бунда, Президент таъкидлаганидек, узоқ давом этадиган бу жараёнга раҳбарлар ҳам, фуқаролар ҳам шунчаки қарашлари мумкин эмас. Юртбошимизнинг «Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ташкил этиш энг муҳим масалалардан биридир. Биз уни ривожлантириш учун ташкилий, меъёрий ва институционал шарт-шароитлар яратишимиз зарур» деган гапларида жон бор. Бу борада фақатгина шу соҳага маъсул раҳбарларгина эмас, ҳар бир тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

Ҳеч муболағасиз айтсак бўлади, йиғинда мамлакатимизнинг эртанги истиқболи ҳам сарҳисоб қилинди. Чунки ёрқин кунларнинг режалари кўп, хайрли қадамларни ҳам белгилаш сир эмас. Шундай экан, аввало босиб ўтилган улкан йўлларнинг барча сабоқлари ҳар бир ўзбекистонлик учун катта ҳаёт мактаби вазифасини ўташи, олға, нурли истиқболга чорлаши шубҳасиз.

Зеро, мамлакатимиз Президенти ўз нутқининг якунида яна бир бор ҳамманинг диққат-эътиборини яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйига ҳамда улуғ Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тантаналарига қаратди. Бу қутлуғ саналар ҳалқимизнинг маданий-ижтимоий, иқтисодий ҳаётида янгича аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлади. Иншооллоҳ, буюк келажак ҳаммамизга насиб этсин!

Иқтисодиёт олами

СОВҒАГА СОВУТГИЧЛАР

НАВОИЙ. Вилоятдаги «Меҳрибонлик уйи»да бугунги кунда 79 нафар ўсмирлар тарбияланмоқда. Кўнгли хаста ёлғиз болакайлар парвариши учун 17 нафар тажрибали тарбиячилар сафарбар этилган.

Яқинда болакайлар учун ажойиб қулайлик яратилди. Навоий тоғ- металлургия комбинати маъмурияти асосий ҳомий сифатида «Меҳрибонлик уйи»га сунъий совутгичлар ва турли хил ўйинчоқлар совға қилди. Шунингдек, кончилар «Бахмал» оромгоҳида мириқиб дам олаётган ўқувчи ёшлар учун ҳам 10 та совутгични бепул совға қилишди.

Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СОВУНГА ЗОРИҚМАЙДИГАН БЎЛИШДИ

Ғиждувон туманидаги Алишер Наовий номли жамоа хўжалиги аъзолари энди совунга зориқмайдиган бўлдилар. Сабаби бу ерда совун ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди.

— Ҳар куни олти юз дона совун ишлаб чиқаряпмиз, — дейди цех бошлиғи Бахтиёр Тўраев. — Нархи арзонлиги ҳамда иш ҳақига берилаётгани учун ҳам маҳсулотимизга талаб катта. Келажакда шу цех ёнида эски пахтани титиш цехини қурамиз. Бу билан қишлоқ аҳлига кўрпатўшак тикиб бериш имкониятига эга бўламиз.

Б. ДАВРОНОВ.

Ўзингдан чиққанига не етсин!

«ДАМАС» МАШИНАСИНИНГ БИРИНЧИ СОҲИБИ

«ЎзДЭУавто» корхонасининг тақдимномаси тантанасидан кўп ўтмай, «Сервиз» марказида «Асакабанк» Андижон филиали орқали автомобиллар сотиш йўлга қўйилди. Бу ҳам дилхушлик бўлди. Чунки, кўплаб ватандошларимиз «ЎзДЭУавто»нинг «Дамас», «Тико», «Нексиа»лардан харид этишга орзуманд эдилар.

Зеро, машинага биринчи харидорлик нияти ва унинг эгаси бўлиш каби туғён дилларда жо эди. Ҳайтовур омад ёр инсон аниқланди. Шаҳрихонлик Авазбек Қодиров «Дамас» автомобилини биринчи бўлиб сотиб олди.

— Кўпдан буён «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилаётган автомобиллардан сотиб олиш орзусида эдим, — деди Авазбек. — Қутлуғ кунларда ниятим вожиб бўлди».

— Сизга «Дамас» ёқдими?

— Ҳа, — дейди хурсандчилик билан Авазбек. — «Тико», «Нексиа»лар ҳам эътиборни тортадиган энг замонавий автомобиллардан. Бизга эса оиламиз аъзолари билан бир жойга бориш учун «Дамас» қулайроқ. Бу автомобиль мисоли мўъжиза. Бошқариш ўриндиғига ўтиргач, автомобиль жиҳозларини ноёблигига амин бўлдим. «Дамас» мисоли учар қуш, тежамкор. Оқ рангли автомобилни танладим...

Оқлик—поклик дейдилар. Авазбек Қодировнинг 74 ёшли онаси Кимсахон буви оқ автомобилга оқ поёндоз солди. Бундай замонавий автомобилларнинг юртимизда чиқиши учун саъй-ҳаракат қилган Президентимизни дуо қилди.

— Харидорларга тез ва соз хизмат кўрсатишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди «Асакабанк» Андижон филиалининг бошқарувчиси А. Қосимов. — Харидор бор-йўғи 30 минут ичида мутахассисларимиз кўмагида ҳисобкитоб ҳужжатларини расмийлаштириб автомобиль эгаси бўлади. Ортиқча оворагарчиликлар бўлмайди.

«Сервиз» маркази замонавий жиҳозлангани учун қатор қулайликларга эга. Бу ерда автомобиллар салони ташкил этилган. «Дамас», «Тико», «Нексиа» сингари автомобиллар тўғрисида кенг маълумотлар олиш мумкин. Малакали ходимлар харидорларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга қодир. Автомобиль заводининг бунёд этилиши саноатнинг янги соҳаларини вужудга келтиради. Замонавий технологиялар соҳасида туб ўзгариш ясаб, саноатимиз истиқболига хизмат қилади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕМИНАРЛАР БОШЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти, иш режасига мувофиқ, партия Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман кегашлари биринчи котиблари минтақавий семинар-кенгашларини ўтказишга қарор қилган эди. Шунга биноан, биринчи семинар-кенгаш яқинда Термиз шаҳрида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов унда «Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Ўзбекистон ХДП Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлар кенгашлари биринчи котиблари— Ҳ. Эрматов, Ф. Омонов, Р. Облоёров ва бошқалар маҳаллий партия ташкилотларининг парламентчилик, оммавий-сиёсий ва ташкилий ишлари хусусида гапирдилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон ХДП Ангор туман кенгаши, мазкур тумандаги «Мустақиллик» жамоа хўжалиги партия ташкилоти иш тажрибаси билан танишдилар. Ангор тумани ҳокими Р. Эшбоев давлат ҳокимияти идоралари ва партия ташкилотлари ҳамкорлиги тўғрисида сўзлаб берди. Музрабод дон маҳсулотлари корхонаси ХДП бошланғич ташкилотининг фаолияти ҳам анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Улар, шунингдек, Термиздаги, Ҳиндистон билан ҳамкорликда тузилган «Сурхон-Аджанта фирма ЛТД», Шимолий Ирландия- Канада фирмалари билан биргаликда ташкил этилган «Сурхонпластик ЛТД» қўшма корхоналарида бўлдилар.

Минтақавий семинар-кенгашда Сурхондарё вилояти ҳокими ўринбосари М. Абдуллаев қатнашди ва сўзга чиқди. Семинар-кенгаш ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ЖАКАРТАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК

Индонезия пойтахтида аҳоли орасида тартибсизлик бошланди. Бу тартибсизлик туфайли мамлакат ўн миллион доллар моддий зарар кўрди. Жакарта полициясининг аралашишига тўғри келди. Сўлларнинг тартибсизлиги туфайли шаҳар марказида қурбонлар ҳам берилди. Тартибсизлик тафсилоти хусусида Индонезия қуролли кучлари қўмондонлиги радио орқали махсус эшиттириш уюштирди.

Якшанба куни тунда тартибсизликни уюштирган 200 нафардан ортиқ қўзғолончи қамоққа олинди.

ЁМҒИР ЁНҒИННИ ЎЧИРИШГА КЎМАКЛАШДИ

Калифорнияда табиий офат рўй берди. Невада штатининг марказий-шимолий қисмида кучли ёмғир ва яшин чақа бошлади. Яшин тушиши оқибатида ёнғин чиқди. Ёнғин Миллий паркда ҳам аланга ола бошлади. Олов тўлқини ҳатто Орегон штати чегарасигача ўралди. Шаррос қуйган ёмғир эса ёнғинни ўчиришга ёрдам берди.

АТЛАНТА ЎЙИНЛАРИГА БОҒЛИҚ ЭКАН

Атланта янги паллага кирди. Кимдир ғалабага эришяпти, кимдир мағлуб бўляпти. Бу эса турли қараш, хатти-ҳаракатларга ҳам сабаб бўлмоқда. Манбаларнинг хабар беришича, Олимпия паркида шанба куни рўй берган кучли портлаш тафсилоти ҳам Атланта ўйинларига боғлиқ, деб талқин этиляпти. Портлаш оқибатида бир одам ҳалок бўлди. 100 нафардан ортиғи эса тан жароҳати олди. Маълумки, Атланта ўйинларида 197 мамлакат спортчилари иштирок этяпти. Ўйинлар тафсилоти бутун дунё спорт ишқибозларини жунбушга келтириши табиий. Портлаш рўй берган пайтда Европада ҳам Атланта ўйинларидан репортаж олиб кўрсатилаётган эди.

ОЛИМПИЯ ПАРКИ СЕШАНБА КУНИ ЯНА ЎЗ ЭШИГИНИ ОЧАДИ

Атланта шаҳридаги Олимпия парки сешанба куни дам олувчилар учун яна ўз эшигини очадиган бўлди. Маълумки, ўтган шанба куни бу ерда номаълум кимсалар томонидан бомба портлатилган эди. Эндиликда полиция паркда қатъий хавфсизлик чораларини кўрадиган бўлди. Бу ердаги махсус хизматчилар сони икки бараварга оширилди. Айни пайтда Федерал терговчиларнинг хабарларига қараганда, портлатиш айбдорларини қидирув ишлари ҳам пухта олиб бориляпти. Полиция бомбани портлатган номаълум кимсаларнинг юз тузилиши ва бошқа тегишли ахборотларга эга. Лекин ҳозирча олдиндан аниқ бир хулосалар айтилгани йўқ.

МЕРОС УЧГА БЎЛИНДИ

Бостондаги бадавлат хонадон соҳиби ўз меросини ғалати тақсимлади. 88 ёшли бадавлат Мелвин Велли 9 июлда оламдан ўтди. Марҳумдан қолган мерос қиймати эса ҳозиргача ошкор этилмади. Мероснинг ярми болаларига, яримидан ним чораги 4 нафар итига, ним чораги эса меҳр-шафқат йўлида сарфланадиган бўлди.

(Nation line ахборотлари асосида тайёрланди).

Янги замон одами

РАИСЛИКДАН ВОЗ КЕЧДИ...

Омон Аҳадов хўжаликка раис бўлди. Одамларни теварагига жамлаб, энди қадамини ростлайман, деб турганда, устидан ёзув бошланди. Унга кўра тафтишчилар омбордаги бир ярим минг тоннача донни «ёзувчилар»нинг кўз ўнгида челаклаб ўлчаб чиқдилар. Фермалардаги бузоқлару қўзи жониворларнинг жинсу насли ҳақида қўшақўша далолатнома туздилар. Камчилик бор, жиноят — йўқ. Демак, раис жойида ишлайвераді. Бу хулоса айтиб-айтилмасдан аризалар қайта бошдан қораланади. Бу гал энди Термиз қолиб, тафтишчи Тошкентдан келади. Ғалла экиш, пахта териш бошида бўлиш ўрнига раис тафтишчининг қовоғига қарайди. Уларга қўшилиб, қоғоз титкилайди. Гоҳида нуфузли идорадагилардан айримларининг шикоятчиларга ҳайбаракаллачи бўлиб ўтирганини кўриб баттар хуноби ошади.

— Шу шикоятчиларнинг муддаоси мени раисликдан бўшатиш бўлса мен истеъфо бераман, — деди Аҳадов. Аммо ҳайъат бу гапни қабул қилмади. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирманг, дейишди.

Э, охири бўлмади. Аризачиларнинг вилоят раҳбарига «Аҳадовни раисликдан бўшатмасанглар устиларингдан Олий Мажлис сессиясига арз қилиб кирамиз», қабилидаги «ультиматум»ини эшитиб қолдию, шартта раисликдан бўшатишларини сўраб, ҳокимликка ариза ташлади.

Туман ижтимоий таъминот идорасига бошлиқ қилиб тайинладилар. Аммо кабинетга сиғмади. «Яхшиси ер олиб ишлайман, — деди у.— Деҳқон-фермер хўжалигини тузаман». Ниҳоят, Аҳадов раҳбар бўлмиш «Жаҳон» деҳқон-фермер хўжалигига даштдан 44 гектар ер ажратилди.

Ҳалил Мардиев деган йигит бор эди. Кўп йил бригадир бўлди. Пахта экди. Режани ҳамиша 120—130 фоиз бажариб келди. Лекин шу ишлаши билан, тўғриси, бири икки бўлмади: маошини вақтида ололмайди. Ё қарздор бўлиб чиқади. Хуллас, колхоз деган нарсадан кўнгли қолган экан. Аҳадовга айтди, хўжалигингизга ўтиб ишлайин. Фермерликниям бир кўрайлик, деди.

Ёз бўйи фермерлар қандай ишладиишламади — буниси бизга қоронғу. Бироқ меҳнат натижалари бугун ҳаммага равшан: пахта режаси — юз фоиз. Аҳадовнинг касби — ҳисобчилик. Ихтиёр — беихтиёр қадамини чўтга ташлайди. Энди 20 гектар пахтазордан олаётган даромадини кўринг. Банкдаги ҳисобларига тушган пул — бир миллион 200 минг сўм атрофида. Пул қуруқдан-қуруққа сақланмаслиги керак. Пул «ишлаши» керак. «Ишлаяпти» ҳам. 400 минг сўмга Аҳадов, масалан, битта трактору битта тележка олди. 100 минг сўм пул ун, мой харид қилишга ажратилди. Заводдан бир вагон минерал ўғит олишни келишдилар. Пулнинг қолгани ёнилғига, иш ҳақига, бошқа харажатларга.

Бу ҳисобларга ҳали ўзларининг тасарруфида қоладиган, ўзлари сотадиган толанинг пулини қўшсак борми... Тахминий ҳисобларга кўра, бу пул икки миллион атрофида бўлади. Фермер хўжалиги бу маблағни ҳам тугунларига маҳкам қилиб бекитиб қўймоқчи эмас. Депозит ҳисобига банкка қўйилади. Энг кам фоиз билан сўраган одамга кредит берилади. Лозим бўлса, фермер хўжалигини кенгайтиришга, лозим бўлса бирон шифохонани обод қилишга, кўчаними, мактабними таъмирлашга харжланади. Ва лозим бўлса, «Жаҳон» мой ишлайдиган, совун ишлайдиган, пойабзал тикадиган завод очади.

Аҳадовнинг бу режалари хом хаёл эмаслигига озгина бўлса-да, ишонмоғингиз учун бир нарсани таъкид этсам: фермер хўжалиги ҳосили икки марта ўриб олинган 18 гектар бедазорни ҳам тасарруфига олганди. 20 гектардаги ғўзанинг ишловига Ҳалил Мардиев қараган бўлса, беданинг ташвишини ака-ука Аҳадовлар ўз зиммаларига олишди.

Бир қарашда қўлини совуқ сувга урмайдиган кўринган ога-иниларнинг далада куннинг ҳароратини, иссиғу совуғини демай, эрта-ю кеч демай ишлашини кўринг.

Омон фермер ана шундай ишлайди. Унинг одамлари иш деса, ер чизиб ўтирмайдилар. Ишлайдилар. Виждон билан, садоқат билан, ўзлари учун. Юзларининг ёруғ бўлмоғи учун. Ва пировардида юртнинг тўқ-тўкинлиги учун.

— Раисликдан бўшадингиз. Бундан ким ютади, ким ютқизади? — деб сўрайман Аҳадовдан.

— Жамоа хўжалигига бу — плюсми, минусми, буни вақт кўрсатар, — дейди Аҳадов кулиб. — Мен учун бўлса, бу ютуқ бўлди. Ишимни топдим. Ўзимни топдим.

Аҳадов эрта-индин Тошкентга жўнашини айтиб қолди. Аллақайси бир фирма билан сутни, гўштни қайта ишлайдиган завод қуришга шартнома тузгани.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулк ишга билими ва қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг замонавий талабларини яхши англайдиган, кишилар манфаатлари ва бутун жамиятимиз манфаатлари учун янги сармояларни жалб этишга ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир инсонлар қўлига тегиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқидан.

ҒАЛЛА—РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

«КЕЙС»НИНГ ШАРОФАТИ

Бухоро вилояти ғаллакорлари жорий йилда 60 минг гектар майдондан бу йилги қийин шароитда ҳам сара дон йиғиштириб олдилар.

Ғалла майдонларида Американинг жаҳонга машҳур «Кейс-2166» маркали комбайни «сузиб» юрибди. Бухоро шароитида ҳар битта комбайн билан бир кунда 50 гектар майдондаги донни бемалол ўриб-янчиб олиш мумкинлиги амалда исботланди.

Бухоро туманидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигининг 1-бригада оилавий пудратчиси Ғиёс Қосимов даласида «Кейс» атиги бир соат ишлади. Ана шу даврда 5 гектар ердаги ғалла сифатли ўрилди ва янчилди. Ҳар гектаридан 51 центнердан дон олиниб омборга тўкилди.

Яна бир гап. Вилоятга келтирилган 10 та «Кейс»нинг ҳар бири билан кунда 50 гектардан ҳосил саранжомланса, мавсумда 15 минг гектар майдондаги бошоқли донни ўриб олиш мумкинлиги аён бўлди. Бу учун 30 нафар комбайнчи ўқитилгани қўл келишини айтмаса ҳам бўлади. Хуллас, ғаллакор ҳам вақтдан, ҳам салмоқдан ютади, такрорий экинлар экиш вақтида ўтказилади. Ҳа, «Кейс»нинг шарофатидан бухороликларнинг юзи бу йил ёруғ...

Даврон БАҲРОНОВ.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА ИНТИЛИБ

Мана, мамлакатимизда энг иссиқ пайтлар, яъни саратон давом этмоқда. Шундай кун айни қизиган дамларда бир пиёла маъданли сув ёки бирон стакан чанқовбосди ичимлик эндиликда мамлакатимиздаги ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда топилади. Серобчиликни кўриб бевосита маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ажойиб ишчи-хизматчиларига таҳсинлар ўқигинг келади.

Қибрайдаги очиқ турдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ҳам бу борада илғорлар сафида бормоқда.

Ўз ишини 1973 йилда бошлаган корхонанинг дастлабки маҳсулоти фақат маъданли сувдан иборат бўлганди. Бу бежиз эмас, албатта. Ўшанда қарийб 1700 метр чуқурликдан маъданли сув олина бошланганди. Кейинчалик корхона янада ривожланиб, 1974 йилнинг июнь ойидан бошлаб пиво ва салқин ичимликларни ишлаб чиқаришни бошлади.

Ўшандан бери 20 йилдан зиёд вақт ўтди. Бундан 2 йил аввал эса корхона цехлари ва унинг участкалари ҳамда технологик жараёнлар алмисоқдан қолганлиги учунми Тошкентдек шаҳри азимда чанқовбосди ичимликлар етишмай қолганди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида юртбошимиз Ислом Каримов соҳадаги барча камчиликларни рўй-рост очиб ташлади. Корхоналарнинг раҳбарлари, шу жумладан қибрайликлар бу ўринли танқиддан тўғри хулоса чиқаришди. Авваламбор корхонага кўп йиллик тажрибага эга бўлган ишбилармон тадбиркор Фатҳулла Нурмуҳамедов директор қилиб тайинланди.

Янги директор ишни аввало корхонадаги технологик жараёнларни янгилашдан бошлади. Цех ва участкаларга тажрибали ва ҳалол мутахассисларни қўйди. Кейинчалик эса комбинат очиқ турдаги «Роҳат» ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

1995 йил август ойида эса жамият энг кам қиймати 200 сўм бўлган 15634 дона оддий ва 1078 дона имтиёзли акцияларни чиқариб, меҳнат аҳлига тарқатди. Шуниси диққатга сазоворки, корхонада 15 йил ва ундан ортиқ меҳнат қилган ишчи ва хизматчиларга, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига, нафақадорларга ва байналмилал жангчиларга олти донадан 11 донагача акция бепул берилди. Шу йил кўкламда эса ҳиссадорлар 1995 йил якунлари бўйича девиденд олишди. Ҳар бир акция учун 507 сўм 49 тийиндан девиденд тўланди. Бу корхона даромадининг анчагина қисмини ташкил этади.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг ҳар бир ишчи ўзини ҳақиқий хўжайиндек ҳис эта бошлади. Маҳсулот турлари кўпайиб, сифати ошди. Масалан, ўтган йилнинг май ойигача 372 минг деколитр пиво ишлаб чиқарилган бўлса, шу йилнинг июнь ойигача 500 минг деколитр маҳсулот тайёрланиб, савдо дўконларига чиқарилди. Ўтган йили йилдан-йилга ошиб бораётир.



— Ҳиссадорлик жамиятимизда яхна ичимликларнинг турларини янада кўпайтиришга ҳаракат қилаётирмиз, — дейди «Роҳат» акционерлик жамияти раиси Фатҳулла Нурмуҳамедов. — Шу мақсадда фаолиятимизни янада кенгайтириб, янги-янги имкониятлар очмоқдамиз. Бу борада бир неча йиллардан бери Германиянинг «Делер НФ&БИ» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Голландиянинг «КВЕСТ» фирмаси ва Миср Араб Республикасининг «Дельта ароматик» фирмаси билан ҳам узлуксиз равишда иш олиб бориляпти. Бундан ташқари Болгариянинг «Бургас» VBT Co LTD компанияси билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Бу ердан сифатли қопқоқчалар олинаётир.

Ушбу соҳада жаҳондаги энг ривожланган фирмалар билан ҳамкорликни янада давом эттириш ниятидамиз, — ярим йил мобайнида 531 миллион шиша яхна ичимлик чиқарилган бўлса, бу йил 7 миллион 82 минг донага етди. Минерал сув ишлаб чиқариш, турли халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ҳам дея сўзини давом эттирди корхона раҳбари. — Айниқса Германиянинг Франкфурт - Майн шаҳрида ўтказилган «Германияда Ўзбекистон иқтисодиёти кунлари»да қатнашганлигимиз бизнинг ишимизда анча бурилиш юз беришига имконият яратади. Зеро, биз Германиядаги турли фирмалар, компаниялар билан раҳбарлари билан учрашиб, ўзаро фойдали шартномалар тузишга муваффақ бўлдик. Айниқса, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган чет эл фирмалари билан тузган шартномаларимиз яхши самара беради, деб ўйлайман. Салқин ичимликлар, минерал сув, пиво ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этишимизга имкон туғилади. Энг замонавий технология асосида ишлаётган «Варштейнер», «Холстейн» пиво заводларида, замонавий ускуналар ишлаб чиқараётган «Кронес», «Штойнеккер» компанияларининг заводларида бўлинди.

Ушбу сафар даврида «Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ҳудудида минерал сув ва салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш мақсадида Германиянинг «МАХ-Handels» фирмаси билан муассислик шартномасига имзо чекдилар. Шартномага биноан ўзимизда «МАКС-Хуросон ЛТД» қўшма корхонасини тузамиз. Айни пайтда пиво ишлаб чиқариш сифатини ошириш талаб этилади. Шу мақсадда «Антон Олерт» фирмасидан пивони тозаловчи кўплаб фильтрлар сотиб олиш учун шартнома туздик.

Германиядан турли концентратлар ҳам келтирилмоқда. Масалан, «Папая», «Олча», «Волдмастер», «Ўрмон меваси», «Олма» ичимликлари учун концентратлар олинаётир. Бинобарин, ана шу ичимликлар халқимизга тобора манзур бўлмоқда. Корхона лабораториясидагилар эса изланишларини янада давом эттиришмоқда. Яхна ичимликларнинг янги навлари юзага келди. Чунончи, «Навбаҳор», «Садарайҳон», «Тоғ оқшоми» ичимликлари шулар жумласидандир. Айни пайтда жаҳон бозори талабларига мос келадиган, рақобатбардош «Роҳат», «Қаҳрабо» пиволари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Яқин келажакда корхонада «Макс» фирмаси билан ташкил этилган қўшма корхона дастлабки маҳсулотини бера бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу корхонада 1,5 литрли полиэтилен идишларга маъданли сув қуйилади. Бу линия ҳар соатда 5 минг идиш маъданли сув қуйиш қувватига эга. Ушбу корхона сентябрь ойида ишга тушади. Демак, ҳар йили 5 миллион полиэтилен идишда минерал сув қуйиш имкониятига эга бўлинади.

«Роҳат» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари келажакда бутун Ўзбекистонимизни маъданли сув ва яхна ичимликлар билан тўла таъминлашни ният қилишган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.
М. АМИН олган суратлар.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ДЎСТЛАР ДИЁРИДА

Куни кеча Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қудратилла Рафиқов бошчилигидаги касаба уюшмаси фаоллари Анқарада бўлиб, касаба уюшмаларининг Халқаро симпозиумида қатнашиб қайтдилар.

Мазкур анжуман ишида Туркия, Исроил, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Грузия касаба уюшмалари Федерация ва конфедерацияларининг вакиллари иштирок этдилар. Анжуман Туркиянинг Турк-иш ва Исроил давлатидаги Гистадрут касаба уюшма конфедерациялари ташаббуси билан ўтказилди. Симпозиум ишини Турк-иш касаба уюшмаси Конфедерацияси президенти Байрам Мераль кириш сўзи билан очди.

Симпозиум ишида мустақил давлатларнинг вакиллари сўзга чиқдилар.

Анжуман «Муаммоларни ҳал этиш ва касаба уюшмаларининг умумий манфаати учун ўқитиш», «Жаҳон ҳамжамияти ва янгича муносабатларни ривожлантиришда касаба уюшмаларининг роли» каби мавзуларда иш олиб борди.

Анжуман қатнашчилари Турк-металл синдикати раиси Мустафо Ўзбек ташаббуси ва ҳомийлигида қурилаётган «Спорт соғломлаштириш ўқув маркази» иншоотини бориб кўрдилар. Ушбу мажмуа касаба уюшмаларига қарашли бўлиб, унда турли мамлакатлар ишлари, жумладан ўзбекистонлик ишларни ўқитиш, касб маҳоратини ошириш учун шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилмоқда.

Симпозиумда сўзга чиққан республикамиз вакилларининг етакчиси мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистонга хос йўли ҳақида сўзлади.

Шавкат ЁҚУБОВ.

Ҳукмдан сўнг

СИЗДЕК БАҲОРНИ СЕВАРДИ

У ҳар гал баҳорни кутарди. Тақдир экан, интиқ кутган баҳор кунларининг бирида қотил қўлида кўз юмди. Ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлмай ҳаётдан кетди. Ота дийдорига тўйиб улгурмаган уч фарзанди чирқиллаб қолди. Уларнинг каттаси олтига қадам қўйганди. Кўп орзулари ушалмаган аёли Манзурахон эса бор аламидан қотилни тинмай... Аёлнинг кўз ёшлари юзини ювади.

Иброҳимжон Рауфжонов хизмат вазифасини ўташ учун шифохонага кетаётганида туҳматнинг қурбони бўлди. Воқеа бундай содир бўлганди.

Ўтган йилнинг 13 мартида Иброҳимжон ва унинг укаси Ҳусанбой Бўтақора қишлоғидан Андижон шаҳрига келишади. Иброҳимжон иш жойига — Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг санитария қисмига, Ҳусанбой эса эски шаҳарга — тиббиёт олийгоҳига ўқишга йўл оладилар. Ака-ука Сойгузар автобус бекатида икки томонга ажралишади. Соат эрталабки 8.00 лар атрофида ҳамма ишга шошаётган, бекатда йўловчилар анчагина эди. Иброҳимжон автобусни кутиб турган эди, орқасидан қандайдир шарпа келди-да ниманидир санчди. Оғриқдан у жон ҳолатда «Ҳусанбой» деб бақириб юборди. Анчагина олислаб кетган ука ногаҳон орқасига қаради. Не кўз билан кўрсин-ки биров акасини ётқизиб олиб қўлларини орқасига қайириб турарди. Одамларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, бозори Иброҳимжоннинг кўксига пичоқ урди. Бу даҳшатдан Ҳусанбойнинг эси учди.

— Сен ҳали укасимисан? Сени ҳам...

Қотилнинг кўзларига қон тўлган эди. Ҳусанбой Сойгузардаги болалар поликлиникасига қочиб кирди-да, шифокорлардан ёрдам сўради...

У акасининг олдига келганида Иброҳимжоннинг юзига дўпписини ёпиб қўйишганди. Икки милиция ходимига қотил «Мен хотинимнинг қасдини олдим. Уни ўладиган жойига, юрагига пичоқ урдим» дея бақираётган эди.

...Ойбекнинг хотинини ҳеч ким қасддан ўлдирмаган эди. Унинг аёли Дилфуза Раҳимжонова боднинг қайталаниши, ревмокардит касаллиги билан вафот этди. Тошкентдан келган мутахассис шифокорлар ҳам касалликнинг ўтиб кетганини таъкидлашганди. Беморни сақлаб қолиш учун ҳар қанча уринишлар зое кетди. Дилфуза 1994 йилнинг 27 октябри куни ҳаётдан кўз юмди.

Бу воқеадан кейин Ойбек Иброҳимжондан қасд олиш учун пайт пойлайди. Уйидаги ошхона пичоғини чарҳлатиб, ёнида олиб юради. Ғараз ниятини амалга ошириш учун икки марта уринади. Лекин одамлар бунга йўл қўймайдилар. Икки марта Иброҳимжоннинг бошига арматура билан уриб, тан жароҳати етказади. Бу ҳақда милицияга айтиш кераклигини билсада, ўз фикридан қайтади. Чунки Ойбекнинг икки фарзанди онасидан айрилгани етмагандай, отасидан ҳам ажраб қолишини истамасди.

Бу қотиллик рўй бергунча ҳам Ойбек икки марта судланишга улгурган. 1986 йили Андижон шаҳар, 1987 йили Жалолқудуқ туман суди ҳукми билан қамалган. Жазони ўтаб қайтгач, оиласидагилар уни Дилфузага уйлантириб қўядилар. Инсоф кириб, ақлини топиб олса, деб ўйлашади. Афсус, Ойбек уйланиб, икки фарзанднинг отаси бўлса ҳам қилмишларини ташламади. Оқибатда Дилфуза юрак хасталигига чалинди. 1994 йилнинг сентябрига келиб, касаллик авж олди. Дилфузани даволаш учун касалхонага ётқиздилар.

Ўша кунлари Ойбек шифокор Обиджон Маҳмудов олдига келиб, тиббий аппарати орқали турмуш ўртоғининг касаллигини аниқлаб, ташхис қўйиб беришини сўрайди. О. Маҳмудов эса бу илтимосни рад этмайди. Дилфузани ҳамшира ва ассистенти билан қабул қилиб, аппарат ёрдамида ечинтириб текширишаётганида Ойбек ичкарига киради. Хотинини кўради-ю шифокорга ташланади. «Вой аблаҳ-ей, сен ҳали бировнинг хотинини ечинтирдингми?» дея оғзи-бурнини қонга белайди. Бурун суякларини синдиради. Ҳамшира-ю, шифокорларни ҳақоратлайди.

Орадан бир ой ҳам ўтмай эса бировнинг ҳасми-ҳалолининг номусига тажовуз қилади. Бу жинояти ҳам судда ўз исботини топади.

Биз Ойбек Раҳимжоновга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг саккиз моддаси турли қисмлари билан қўйилган айбларни бирма-бир ёзмадик. Вилоят судида бўлиб ўтган суд жараёни қотилга олий жазони лойиқ, деб топди.

Ўзгага баҳор чечакларини, гўзаллигини, турфа ифорларидан баҳраманд бўлишни раво кўрмаган Ойбекка ҳам баҳор насиб этмайдиган бўлди.

Йўлдошбой ҒАНИЕВ,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи,
Саидахон АҲМАДЖОНОВА,
Андижондаги «Садоқат» газетасининг мухбири.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги"га бағишланган танловга

ЯХШИЛИКНИ ОШИРИБ...

Эскидан элимизни эл қилган хусусият — элдошлик, элсеварлик, елкадошлик, бирлик. Бу хусусият ҳар бир шахсда, ҳар бир оилада шаклланган учун ҳам эл ўз юртида эга бўлган, яйраб яшаган, яшнаган. Шунинг учун ҳам, дунё маданияти бешиги Туркистонда элимиз кўп буюк давлатлар қурган, тарихда шонли из қолдирган. Халқимиздаги давлат қуриш, давлат тутиш тажрибаси унинг сўзида, хусусан, ота сўзларида яшаб қолган. Масалан, оиладаги бирликни, тинчликни сақлаш учун кўп қўлланилган бир ота сўзи бор: **яхшилигин ошириб, ёмонлигин яшириб**. Оилада икки кишими, ўн кишими, бир-бирига муносабатда яхшилигин ошириб, ёмонлигин яшириб сабр билан, ҳадеб куткиламай, нуқсонини юзига солавермай, аксинча, камчилик ва етишмовчиликни бартараф қилиш учун ҳаракат қилса, яшаш яхши бўлиши табиийдир. Ўз яқини, оиладоши, элдошини устун тутиш, унга фидокорлик бизга ота мерос бир хусусиятдир. Бу миллий тушунча ёнида яна диний ўгитларимиз ҳам борки, мусулмон мусулмон биродарининг (айби, нуқсонлари) ёпинчиғидир, дейилади унда. Бу хусусият фақат бизда эмас, масалан, маданиятли овруполикларда ҳам бўлганки, Наполеоннинг «жаноблар, ички кийимларингизни кўчага ёйманг» деган сўзи буни тасдиқлайди. Албатта, овруполик императорнинг бу гапида инсон ёмон сўзни, ёмонликларни кўчага олиб чиқавермаслиги керак, уйида, ичида бўлиши лозим, деган бир англам бор.

Шуларни эсларканман, элимиз мустақиллик йўлига киргандан бери ўтган беш йилни бир-бир кўз олдимга келтиришга уриндим. Халқимиз ўша эски тажрибаларига, миллий борлиқларига таяниб, сабр ва машаққат билан, айни замонда қаҳрамонларча чидам билан оёққа туриб олганига, ёш мустақил давлатимиз эса бутун дунёга бой, маданий, ривожланган, келажаги буюк давлат сифатида танилганига амин бўлдим. Бу ҳақиқатни кўриб, англаб турган юртдошларимиз, дунё қўшниларимиз, бизга дўст давлатлар тобора кўпаймоқда. Бундан беш йил олдин ўзбек, Ўзбекистон, Туркистон деса, танимайдиган, «ҳа, русларнинг ичидагими...» дейдиган, яъни мустамлака эканимизга хўрлагандай ишора этадиган дунё кишилари кўп эди. Бугун эса Ўзбекистоннинг байроғи дунёнинг ҳар бурчида ҳилпираб, давлатимизнинг, миллатимизнинг борлиғини жаҳонда исбот этмоқда. Юз олтмишдан ортиқ ривожланган давлатлар билан Ўзбекистон дипломатик алоқалари, ўттиздан ортиқ давлатда эса ўзбек элчихонаси борлиги, дўстона муносабатлар — барчаси беш йилдаги буюк ишлар, муваффақиятлардир. Ҳатто, дейиш мумкинки, юз йилларча қулликда, қарамликда яшаган туркистонликларнинг юз йиллик орзу-армонини ушалтирган тарихий беш йилликдир бу.

Инсон бор экан, ташвиш, муаммо бўлиши табиий. Дунёнинг ҳеч бир ери йўқки, «проблема»си бўлмасин. Бугунги дунёда «супер давлат» бўлиб танилган Америкада ҳам, Овруپо давлатларида ҳам ечилмаган муаммолар саноқсиз. Дунёни айланиб келаётган юртдошларимиз буни ўз кўзлари билан кўришмоқда. Қисқаси, ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига, деган ота сўзида катта ҳақиқат бор.

Тўғри, уч-тўрт йил олдин кўз олдимизда катта тўсиқлар, ечиб бўлмас муаммолар қатор-қатор тургандай туюларди, «ҳали буларнинг амалга ошишига ўн йил, эллик йил бор» дея ваҳима қилардик. Аммо мустақилликнинг машаққатли ва шарафли одимлари боис ҳаётимизда жиддий ўзгаришлар сезилмоқда. Элимизнинг юз йилларча дунёдан узилган томирларига замондош дунё ҳаёти янги қондай оқмоқда.

Ўзбекистон ҳақида уч-тўрт йил аввал оғиз кўпиртириб ёмон сўзловчилар анчагина бор эди. Дунё матбуотида ҳам бу йўналиш сезилиб турарди, «Ўзбекистонни бир давлат ўлароқ дунёга танитиш керак, муаммолар вақти билан ҳал бўлаверади», — дейдиган Зиёвуддин Бобоқурбонга ўхшаш чет элдаги журналистлар битта-иккита эди. Бугунга келиб, чет элдаги баъзи бизга нисбатан бирёқлама қарашга эга кишилар, гуруҳларнинг ҳам фикри ўзгарди. Тарихнинг эврилишини қарангки, бугун Ўзбекистон ҳам, унинг Президенти ҳам улкан, улуғ ишлари билан бутун дунёга танилиб боряпти. Буни тан олаётган, ўз мамлакатида бу ҳақда сўзлаётган, ёзаётган атоқли кишилар ҳам кўпаймоқда.

Биргина мисол: мен яқинда хизмат сафари билан Туркияга борганимда эски танишимиз Туркияда танилган сиёсатчи ва илм одамларидан Невзат Ялчинтош ва Дўған Каргуллар билан ҳам кўришдим. «Ойдинлар ўчоғи» (зиёлилар маркази) бошлиғи профессор Невзат Ялчинтош мустамлака замонида Тошкентга бир гуруҳ сайёҳлар билан бирга келганида танишгандик. Мустақилликдан кейин ҳам ҳурматли профессор Ўзбекистонга бир неча бор келди. Ёзувчилар уюшмасида, Тошкент университетида учрашувлар ўтказдик. Президентимиз туркияликларнинг илк ҳайъат вакили ўлароқ қабул қилган шарафли кишилар сафида Н. Ялчинтош ва Д. Каргуллар бор эди. Дўғон Каргул-иқтисодчи профессор, бугун Ўзбекистон ва бошқа Туркистондаги мустақил мамлакатлар ҳақида кўп яхши мақолалар ёзди. Мустақил Ўзбекистон байроғини раҳматли Турғут Ўзалга олиб борган ва Ўзбекистон-Туркия муносабатлари шаклланишига катта ҳисса қўшганлардан бири ҳам шу Дўғон Каргул бўлади. Невзат Ялчинтош эса йиллардир турк-мусулмон халқлари маданияти, фани, ҳаёти билан боғлиқ китоблари, халқаро йиғилишлардаги чиқишлари, дипломатик муносабатлардаги оқилона фаолияти билан танилган шахс. У бугун Ўзбекистон ҳақида тўлқинланиб сўзламоқда. Туркияда ва жаҳонда кенг танилган «Туркия» газетасида давлатимиз ва миллатимиз ҳаётига боғлиқ яхши, мазмунли чиқишлар қилмоқда.

Тоҳир ҚАҲҲОР.

Темурнома

ИККИ ЙЎЛ ИЗЛАРИ

Тарихий ҳақиқатлар рўёбга чиқаётган бир пайтда Туронзамин дея аталган муқаддас диёрда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кўтаринки руҳда кенг нишонланаётир.

Яқинда Қомуслар Бош таҳририяти томонидан кенг китобхонлар учун «Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат» деб номланган янги илмий-оммабоп асар чоп этилди. Тарихчи олим Нарзулла Аҳмедов қаламига мансуб ушбу асарда Соҳибқироннинг болалиги, якка ҳукмронлигининг ўрнатилиши, қудратли темурийлар давлатининг вужудга келиши, ҳарбий юриш санъатлари, ташқи ва ички сиёсати, шу билан бирга маънавияти ҳамда унинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳикоя қилинади. Муаллиф Низомиддин Шомий, Али Яздий ва В. В. Бартольд, А. Ю. Якубовский, Т. Н. Грановский каби тарихчилар қолдирган илмий манбаларга тез-тез мурожаат қилади.

Таъкидлаш жоизки, шу пайтгача ҳаммани қизиқтираётган бир ривоятда Амир Темурнинг туғилиши мунозарали. Унинг дунёга келиши эса Шарқ мунажжимлари томонидан ҳам олдиндан айтилган.

Манбаларга қараганда Зуҳро ва Муштарий юлдузларининг ўзаро яқинлашиши ҳар саккиз юз йилда бир марта рўй берадиган сирли ҳодиса. Ана шу ҳодиса уч бор такрорланиб, бунда уч чақалоқ — Искандар Зулқарнайн, Муҳаммад Алайҳиссалом ҳамда Жаҳонгир Амир Темур туғилганлиги қайд этилади. Бундан ташқари, Соҳибқироннинг отаси Муҳаммад Тарағай ўз чўпонидан эшитган тушга амал қилиб, ўғил кўриш ниятида Садр аш-Шариатнинг гўзал қизи — Тегина бегим Моҳ (Темурнинг онаси)га уйланганлиги қизиқарли тасвирланади. Унга исм битишда эса Муҳаммад Тарағай ўзига пир санаган Шамсуддин Кулол сабабчи эканлиги таъкидланган. Қайд этилишича, Темурнинг отаси ўғлига исм қўйиб беришни сўраб Шамсуддин Кулол ҳузурига қираётганида у Қуръондан қуйидаги оятни ўқиётган экан: «амантум ман фи-с-сама-ан йўхифа бикума-л-арда фа-иза хийтамуру». Ана шу «Тамуру» сўзига қиёс қилиб пирининг маслаҳатига кўра унга Амир Темур деб исм қўйилади...

Халқимизнинг тафаккур ўчоғида қайнаб пишган бундай ҳикоятлар фанда алдақачон исботланган ҳам. Шундай экан олим ана шу икки йўл изидан бориб, асл ҳақиқатларни топгандек бўлади. Чунки ҳеч кимга сир эмас, Соҳибқирон бобомиздан бизга жуда катта, туганмас, бебаҳо бойлик қолди. Энг қувончлиси, унинг бу борадаги тарихий хизматлари башарият томонидан тан олинди ҳам. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин, насиб этса, Амир Темур бобомиз қолдирган тенгсиз маънавият ва маърифат, қолаверса, давлатчилик йўлидаги бой хизматлари мустақил Ватанимизнинг энг асосий манбаларидан бўлиб қолажак.

Бахтиёр САЙИИД.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ҚАЛАМ ҲАҚИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

• *Москва. Таниқли рус режиссёри, машҳур «Оскар» мукофоти совриндори Никита Михалков Американинг «Дабл-ю-эм-эн-би» телекомпаниясини судга бериш ниятида. Н. Михалковнинг таъкидлашича, мазкур телекомпания унинг бир неча фильмини рухсатсиз намойиш этиб, муаллифлик ҳуқуқини поймол этган.*

Бу воқеа содир бўлмасдан бироз олдин Никита Михалков Америка ва Канадага сафар қилиб, «Анна 6 дан 18 гача» деб номланган янги фильмини намойиш этишни режалаштирган эди. Эндиликда саёҳатни қолдириб, ваъда қилинган юз минг долларлик қалам ҳақидан воз кечишга тўғри келади.

ҚОНУН НОМАҚБУЛ ДЕБ ТОПИЛДИ

• ***Мадрид. Испания ҳукумати АҚШнинг «Ливияда фаолият юритаётган хорижий ширкатларга нисбатан жазо чоралари қўллаш ҳақидаги қонун»ини номақбул деб топди.***

Испания ташқи ишлар вазирлиги дипломатия ахборотлари бошқармаси бошлиғи Иносенсио Ариас мухбирлар билан суҳбатда жумладан шундай деди: «Биз халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид келадиган ҳамда умумжаҳон тижорат ташкилоти фаолиятига путур етказадиган бундай қонунларга қаршимиз».

МАКТУБ ТОПШИРИЛДИ

• *Вашингтон. Америка Қўшма Штатларининг Яқин Шарқдаги тинчлик масалалари бўйича махсус вакили Деннис Росс Иордания қироли Ҳусайн, Сурия Президенти Ҳофиз Асад ва Уммон султони Қобус ибн Саидга АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг мактубини топширди. «Америка Қўшма Штатлари Яқин Шарқдаги можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш борасида бундан кейин ҳам ташаббускорлигини давом эттиради», дейилади, мактубда.*

Деннис Росс Иордания, Сурия ва Уммондан кейин Тель-Авивга келиб Исроил Президенти Биньямин Нетаньяху билан учрашди. Суҳбат чоғида Исроил ва унга қўшни Араб давлатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикрлар алмашиб олинди.

ВАЗИРЛИКЛАР ҚИСҚАРАДИ

• ***Улан-Батор. Мўғулистон Буюк хуралли (парламент) ҳукумат таркибига салмоқли ўзгартишлар киритмоқда. Вазирлар Кенгаши ҳақидаги қонунга тузатишлар киритилиши натижасида мавжуд 15 вазирлик ўрнига 9 вазирлик ташкил қилинадиган бўлди.***

Хурал вакили Нгутужмийн Саокюпанинг таъкидлашича, Буюк хуралнинг бундай қарорга келиши бошқарувни такомиллаштириб, ижро органлари масъулиятини янада кучайтиришга ёрдам беради.

ТЎНТАРИШДА АЙБЛОВ

• *Нью-Йорк. АҚШ Давлат департаменти Бурундининг қонуний раҳбари Силвестр Нтибантунганяни бошқарувдан четлаштириб, ҳукуматни эгаллаган ҳарбийлар раҳбариятини давлат тўнтаришида айбламоқда.*

Мазкур баёнот АҚШнинг Бурундидаги элчиси Моррис Хьознинг ҳарбийлар томонидан муваққат Президент этиб тайинланган Пьер Буйойа билан бўлиб ўтган учрашувида маълум бўлди.

«ОҒИР АРТИЛЛЕРИЯ» ИШГА СОЛИНАЁТИР

• ***Бразилиа. 2004 йилда бўлиб ўтадиган Ёзги Олимпиада ўйинларини Рио-де-Жанейрода ўтказиш учун курашаётган Бразилия ҳукумати «оғир артиллерия»ни ишга солишга қарор қилди. Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун олиб борилаётган курашга энди машҳур футбол устаси Пеле ва ФИФА Президенти Жоао Авеланж, жалб этилди. Мухбирлар билан суҳбатда Эдсон Арантис до Насименто ўзининг фақат ғолиб командалар таркибида иштирок этганини эслатиб, миллий олимпия қўмитасига ҳам фақат ғолиб чиқиш учун кираётганини билдирди.***

Футбол ишқибозлари орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган Жоао Авеланж, бразилияликлар таъбирида «гўзал шаҳар» деб юритиладиган Рионни ташвиқ қилишда катта ишларни амалга оширмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎХШАШ ЧЕҲРАЛАР

Ҳар иккиси:

- ***Банкда хизмат қилади***
- ***«MG-1963» маркали спорт машинаси***
- ***Марка ва тангалар шахсий коллекциясига эга.***

Дунёда бир-бирига ўхшаш одамлар кўп. Айниқса, ташқи кўриниши, баъзи қилиқ, феъл-атвори мос келиши мумкин. Лекин Джон Тоулер ва Эмиль Мейджисчалик қолипдек ўхшаганлар камдан-кам топилса керак. Эгизакларнинг ўзгинаси!

Аслида улар мутлақо бегона одамлар. 45 ёшли Эмиль Мейджие Брюсселда (Бельгия) яшайди, 47 ёшли Джон Тоулер эса Канзас Ситида (АҚШ) туғилган.

Бундан икки йил илгари Мейджислар Канзас-Ситига кўчиб келганди. Улар бултур 16 августда Канзас-Ситидаги китоб дўконида тасодифан учрашиб қолишди. Ҳатто дафъатан бир-бирига кўзи тушган ўхшашларнинг ўзлариям ҳайратланиб қолишди. «Ўзимнинг аксимни кўряпман!» деб ўйлашди улар.

— Яна қандай ўхшашликларингиз бор?— сўрашди улардан қизиқувчан репортёрлар.

— Ҳар иккимизнинг турмуш ўртоғимиз малласоч, исми эса Мария! Тўрт нафардан фарзандимиз бор, бари ўғил. Ҳатто ёшлариям бир хил — 7,9,10,12 ёшларда, чап елкамизда хол бор , жавоб беришди бирваракайига ўхшашлар.

Ҳа, ҳаётда инсон ақлини шошириб қўядиган ҳайратомуз воқеа-ҳодисалар кўп. Олимлар бундай воқеалар сирини ўрганади. Лекин бегона одамларнинг айнан ўхшашлик сирларини ҳозирча ҳеч қайси олим ечолгани йўқ.

Дунё олимлари руҳлар, инсон оламдан ўтгач, яна қайсидир шакл-шамойилда қайтиши ҳақида турли қараш, фаразларни айтяпти. Ўхшашлик ҳам шундай. Илоҳий куч-қудрат силсиласидир. Балки вақти келиб тиббиёт буни бошқача талқин этар. Ҳозирча бундай ўхшашлик сири фанга ҳам маълум эмас.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• **1996 йилнинг ярмида Москвадаги ёнғинлар натижасида 250 киши ҳалок бўлган. 61 миллиард сўмликдан зиёд моддий зарар кўрилган.**

***

• **Хитой шу йилнинг сентябрь ойида яна бир бор ядро синовини ўтказишга қарор қилган. Ядро портлатишларини ман этиш ҳақидаги шартнома имзолаганлигига қарамай Хитой ўз ниятидан воз кечмоқчи эмас.**

***

• **Миснинг ҳокимият органлари трансплантация қилинишига мўлжалланган одамларнинг айрим аъзоларини олди-сотди қилиш билан шуғулланаётган жиноятчи гуруҳни тор-мор этишди.**

• **Покистоннинг Лаҳор шаҳридаги халқаро аэропортда кучли портлаш юз берди. Буни Лаҳор шаҳри полицияси бошлиғи Сажад Аҳмад шарҳлаб, террорчиларнинг Покистондаги вазиятни издан чиқариш учун навбатдаги ҳаракати, деб баҳолади. Аниқ маълумотларга кўра ушбу террористик ҳаракат оқибатида 9 киши қурбон бўлган ва 40 киши ярадор бўлган.**

***

Шунақасиям бўлади

ЛОС-АНЖЕЛЕС

Болалар дунёни ўзгача тасаввур этадилар. Мурғаккина қалблари яхшиликка интилади, ўта қизиқувчан бўлишади. Афсус, баъзан шу қизиқиш, интилиш эҳтиётсизлик туфайли кўнгилсизликка ҳам олиб келади.

Эндигина 10 ёшга қадам қўйган Гейб Долино ҳам бетўхтов давом этаётган ҳиқичоқдан азоб чекаётган онасига ёрдам бермоқчийди, холос.

ЎЛГУДЕК ҚЎРҚИТДИ

Тунги алламаҳалда Элайнини тўсатдан ҳиқичоқ тута бошлади. Аёл ҳарчанд туркана дори-дармон, ҳаракат қилмасин ҳиқичоқ тўхтамасди.

— Ойимнинг азоб чекишидан қийналиб кетдим, — деб эслайди бўлган мудҳиш воқеани Гейб. — Уйда отам, акам ҳам йўқ эди. Ойимга жуда-жуда раҳмим келди. Топдим! Миямга фикр келди. Орқа эшикдан чорбоққа чиқдим. Башарамга ниқоб тақдим. Қаттиқ қўрқсалар тўхтайди-ку, деб қоронғуликда кутиб турдим. Атайлаб шовқин кўтардим. Ойим бечора югуриб чиқди. Турган жойимдан отилиб чиқиб ваҳимали бақирдимки... Бирам ғалати-кулгули овоз билан чинқириб юборишдилар.. Йиқилди ойим...

Она қайтиб турмади. Оила врачининг ташхисига қараганда Элайнининг юраги қаттиқ қўрқувдан ёрилиб кетган экан.

Ҳа, бола-болалигига бориб онасини ўлгудек қўрқитиб юборибди.

Аломат гаплар

САТАНГ ТОҒ МАЛИКАСИ

Зерматт. *Швейцариянинг бетакрор табиат манзараси бутун дунёни лол қолдирган. Шундан-ми, сўлим оромгоҳни тавсифлашда баъзида «иккинчи Швейцария» деб қўйишади. Табиат инсонни ўз бағрига сирли хилқатдек чорлайверади. Ажабмас гўзал Гретани ҳам шундай туйғу алп чўққини забт этишга мажбур қилган бўлса. У спортчи ёки альпинист эмас. Лекин ўзига хос жаҳон рекорди ўрнатган биринчи аёл Маттерхорн тоғ чўққиси-ю, қояларига чиқишга ҳатто ҳар қандай спортчи ёки альпинистлар ҳам кўпда ошиқавермайди. Чунки учқур жарликлар, тик зовларда кўпгина бахтсиз ҳодисалар рўй берган. 1865 йилда Эдвард Уимпер бошчилигидаги гуруҳ «ўлим тоғи» қурбони бўлганини биласиз.*

Грета эса ўзида журъат топди шунга. Яна шунисиқизиқки, одатда тоққа чиқиш учун қулай пойабзал, ихчам юришга мос уст-бош танланади. Бу ҳаммага маълум. Грета эса айнан шуни истамади. Аслида унинг рекорди ҳам шу! Башанг либосда тоғ чўққисига чиқиш ва «дунёда биринчи» деган тарихий номга сазовор бўлиш. Бу осонмас, албатта.

— Болалигимдан чўққига чиқишни орзу қилардим, — дейди ўзининг ғайри-оддий экспедицияси ҳақида сўрашса Грета Ладлэнд. — Улғайгач эса бу ниятдан қайтдим. Альпинист ва спортчиларнинг кўпол, беўхшов кийимидан жуда ҳафсалам пир бўлди. Шунда «тоғ маликаси», яъни чўққига ҳақиқий маликалардек, шоҳона либосда чиқиш истаги туғилди. Шоҳона чиройли либос ва баланд пошнали бежирим туфли кийиб чиқишга қарор қилдим... Бунинг нимаси ажабланарли! Ахир мен тоғ маликаси бўлмоқчи эдим-да!

Гретага тўрт нафар ҳамроҳ топилди. Шоҳона, маликалардек либосга эса фақат Гретагина дош берди. То чўққига чиққунча маликанинг оёқ, қўл бармоқларини совуқ «ялаб» ўтди. Тунларигина қалин чойшабга ўралиб олди. Малика бўлиш машаққатли! Бардош берди. Тоғу тош сўқмоқларида баланд пошнали туфлида юриш машаққати эса ҳаммасидан ошиб тушди. Унинг айтишича барча қийинчиликка «шоҳона гўзал либоси»га қараганда кўнглида ғурур, ҳақиқий маликаларгагина хос ўжар виқор туйғуси пайдо бўлганмиш. Ҳа, унинг ўзи айнан шундай деб изоҳлайди.

Грета Ладлэнд бугунда дунё рекордини ўрнатган биринчи «оқсуяк сатанг тоғ маликаси»дир!

Бу осонмас. Биринчи бўлиш ҳечам осон кечганмас.

Ғаройиб олам

53 ЙИЛДАН СЎНГ ПОРТЛАГАН БОМБА

Ҳаётда бахтли ва бахтсиз тасодифлар кўп. Иккинчи жаҳон урушида Англия устидан ажал уруғини сочиб қайтаётган «Миссершмидт-110» охирги қолган бомбасини Франциягa ташлаб кетишга қарор қилади. Бахтли тасодифми ёки мўъжиза рўй берибми бомба фазода номнишонсиз йўқолди. Бу ҳақда ўша пайтдаям жаҳон матбуотида ёзишганди. Орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтгач, яна ўша ажал уруғи одамлар дилига қутқу солиб «топилди».

Франциянинг Сен-Жустин порти ғарбий қирғоғида кучли портлаш рўй берди. «Йўқолган» бомба парандачилик, чўчқачилик билан шуғулланувчи кичик фермер хўжалигига келиб тушди.

Бахтли тасодиф туфайлигина одамлар зарар кўрмади. Иккинчи жаҳон урушининг инсоният бошига солган қулфати ҳамон ёдимизда. Вақти-вақти билан уруш хотиротлари, қолдиқлари ўзини «кўрсатиб» туради. Хайрият, бу сафар фақат жониворлар азият чекишди.

Жаҳон матбуотида бу ҳақда турлича фикр-мулоҳазалар билдириляпти.

Олам ўзи бир жумбоқ. Воқеа-ҳодисалар, фалакиёт эса ундан ҳам сирли. Ҳайратланарлиси шундаки, бомба 1996 йил 14 февраль куни соат 23 дан 57 минут ўтганда ерга «тушган». Роппа-роса 53 йилдан сўнг.

Собиқ шаҳар мэри Криспин Лорэн шундай хотирлайди: — Аниқ-тиниқ хотирамда сақланиб қолган. Ўшанда ёш бола эдим. Тунда қўқисдан еру кўкни зириллатиб қирувчи самолёт шаҳарча узра уча бошлади. Англиядан «бўшаниб» қайтаётган «Миссершмидт-110» устимизда айлана бошлади. Худога илтижо қилиб; кроват остига кириб беркиндим. Қирувчи самолёт жуда пастлади. Бомбани ташлади. Кўзимни юмсам яна гавдаланаверади ўша манзара: ана шувиллаб, ғалати чийилдоқ товуш билан бомба туша бошлади. Мана, ҳозир тушади... Портлаш... Ҳалок бўламан... Бирдан ҳаммаёқ жимиб қолди. Чийиллаган товуш ҳам ўчди. Тушмади ҳеч нарса. Англиядан «ортиб» қолган бомба осмонда «йўқолди». Чийиллаш борган сари кучайиб, яқинлашарди. Ва кучли портлаш рўй берди. Чийиллаган товуш, шовуллаб тушиши беихтиёр ўша машъум уруш тунини эслатди. Портлашдан ошхонамиз ойналари чил-чил бўлди. Фермер қўшнимизникига ўша «йўқолган» бомба тушди. Болалик хотираларим битилган кундалигимни олиб варақлайман. Соат, минути ўша ўша... Балки бу илоҳий бир кучдир. Лекин портлашдан жониворлар ўлиб ётарди.

Одамларнинг ёқа ушлаб айтишича, ҳеч ким осмонда самолётни кўрмаган. Бомбанинг чийиллаб тушгани, кучли портлашни эса эшитишган. Бу бор ҳақиқат.

Фалак илмида бундай ҳодисалар илгари ҳам кузатилган.

Чунки бомба қолдиқларини Париждаги махсус лабораторияда текшириб кўришганда, у айнан Германияда тайёрлангани маълум бўлди. Айнан уруш пайтида «Миссершмидт-110» — Люфтваффе самолётидан Англиядан «ортган» бомба эканлиги тасдиқланди.

Англиядан «ортган» бомба шу тариқа Франция заминида орадан 53 йилдан сўнг портлади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига

СОҲИБҚИРОН ЁҚТИРГАН АЛЛОМА

Соҳибқиронинг илм-фан, хусусан, ижтимоий фанларни ривожлантиришга қўйган ҳиссаси назаримизда бироз эътибордан четда қолянти. Боиси Гарбда XX асрдагина шаклланган «стилистика» фанига ўхшаш бўлган, Шарқда IX-X асрлардаёқ вужудга келган, ҳар бир гапни, сўзни ўрнида ишлатишни, сўз санъатини, нотиқлик маҳоратини, бадийят сирларини ўргатадиган «Балоғат илмлари»га ҳам бобокалонимиз эътибор билан қараган. Ўз замонасининг бу соҳадаги алломаси Саъдуддин Тафтазонийни ўз саройига таклиф қилиб, ижод қилиш учун шароит яратган. Аллома эса балоғат илми қатори мантиқ, фалсафа, фиқҳга доир асарлари билан машҳур бўлган. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада муаллиф шу соҳага илмий ёндашишга ҳаракат қилган.

Ш. Ғ. ШОМУСАРОВ.
Тошкент Шарқшунослик институти проректори.

Самарқандда яшаб ўзининг беназир асарларини таълиф қилган алломалардан бири Саъдуддин Тафтазонийдир. У кишининг тўлиқ номи Саъдуддин Масъуд ибн Умар ибн Абдуллоҳ ат-Тафтазоний. Асли ҳуросонлик бу олим Насо шаҳри яқинидаги Тафтазон қишлоғида 722 ҳижрий (1322 милодий) йилда таваллуд топади. Алломалардан Изд ва Қутбуддин ар-Розий қўлида таҳсил олади. 16 ёшидаёқ Занжонийнинг сарф (морфология) рисоласига шарҳ ёзади. Маҳорат билан ёзилган асарнинг муқаддимасиёқ гўзал ибораларга бойлиги билан кўпчиликни ҳайратга солади.

Амир Темур давлати вужудга келганидан кейин Соҳибқирон Саъдуддинни Самарқандга таклиф қилади. У ўз ақл-заковати билан эътибор топади. Бобомизнинг алоҳида эҳтиромига сазовор бўлади. Ижоди гуллаб-яшнайди. 784 йил ҳижрийда ўзининг «Мақосидут толибин фий усулид дин» китобини ёзади. 789 ҳижрийнинг ражаб ойида эса «Таҳзибул мантиқ вал калам», шавал ойига бориб «Шарҳул мифтоҳ» асарларини бунёдга келтирди. Шунингдек, муфассир Жоруллоҳ Маҳмуд Замахшарийнинг Қуръонга ёзган «ал-Кашшоф» тафсирига шарҳ ҳам битади. Бу китоб билан танишганлар шарҳлар ичида энг аввали бўлибди, деган баҳони берадилар.

Саъдуддиннинг ижтимоий фанларга доир яна бир шарҳи ҳақида фикр юритиш жоиз. У 756 ҳижрийда Хиротда эканлигида аллома Маҳмуд ал-Қазвинийнинг балоғат илмига доир «Талҳийсул мифтоҳ» китобига шарҳ ёзиб, уни «Мухтасарул маъоний» деб атаган. Кези келганда балоғат илми ҳақида фикр: балоғат сўзи камолот, етуклик маъносини англатади. Илм сифатида шарқда IX асрда, Европада XIX асрнинг охирларида шаклланган. Оврўпаликлар буни стилистика деб атаганлар. Бундай илмнинг асосий мақсади ҳар бир гапни шароит тақозосига муносиб қилиб сўзлашни ўргатмоқдир. Шароит эса сўзловчининг мақсади, тингловчининг ҳолати билан белгиланади. Жумладан, Аҳмад Ҳошимий ўзининг «Жавоҳирул балоға» китобида сўзловчи тингловчи билан гўё табиб бемор билан муомала қилгандай, яъни унинг ҳолатини ҳис этиб сўзлаши керак. «Ликулли мақомин мақолун» дейди араблар, яъни «ҳар ҳолатнинг ўзига хос айтиладиган гапи бор». Шунга ўхшаш маҳбубани «сен гўзалсан» ёки Ватанни «она - юртимсан» деб кифояланиб бўлмайди. Балки андек таъриф-тавсифга йўл берилади. Айтайлик, Ватан тупроғини олтинга қиёслаш, сувини кавсарга ўхшатиш каби ўзига хос мадҳ мақсадга мувофиқ. Умуман, Ватан ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Бундай нозик томонларини ўрганиш эса балоғат илмига хосдир.

Тафтазоний ўзининг «Талхийсул мийтоҳ»ига ёзган шарҳи «Мухтасарул маъоний»да балоғат илмини гўзал иборалар билан Қуръон ва араб шоирларининг шеърларидан олинган мисралар билан баён қилади. Китобда балоғат ва фасоҳат тушунчаси ва улар ўртасидаги фарқни тушунтиришга ҳаракат сига муносиб қилиб сўзлашни ўргатмоқдир. Шароит эса сўзловчининг мақсади, тингловчининг ҳолати билан белгиланади. Жумладан, Аҳмад Ҳошимий ўзининг «Жавоҳирул балоға» китобида сўзловчи тингловчи билан гўё табиб бемор билан муомала қилгандай, яъни унинг ҳолатини ҳис этиб сўзлаши керак. «Ликулли мақомин мақолун» дейди араблар, яъни «ҳар ҳолатнинг ўзига хос айтиладиган гапи бор». Шунга ўхшаш маҳбубани «сен гўзалсан» ёки Ватанни «она - юртимсан» деб кифояланиб бўлмайди. Балки андек таъриф-тавсифга йўл берилади. Айтайлик, Ватан тупроғини олтинга қиёслаш, сувини кавсарга ўхшатиш каби ўзига хос мадҳ мақсадга мувофиқ. Умуман, Ватан ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Бундай нозик томонларини ўрганиш эса балоғат илмига хосдир.

Тафтазоний ўзининг «Талхийсул мийтоҳ»ига ёзган шарҳи «Мухтасарул маъоний»да балоғат илмини гўзал иборалар билан Қуръон ва араб шоирларининг шеърларидан олинган мисралар билан баён қилади. Китобда балоғат ва фасоҳат тушунчаси ва улар ўртасидаги фарқни тушунтиришга ҳаракат бор. Фасоҳат — тилнинг грамматик қоидаларини бузмай, сўзларни ўз ўрнида ишлатишни талаб қилса, балоғат-фасоҳат талабларига риоя қилган ҳолда гапни ўрнида ва муносиб тузишга ўргатади. Шу боисдан муаллиф балоғат илмининг биринчи қисмида «Илмул маъоний», яъни маънолар илмига таъриф беради. Унинг фикрича: «Бу шундай илмки, унинг воситаси билан лафз қай ҳолатда шароит тақозосига муносиб бўлиши ўрганилади».

Китобнинг иккинчи бўлимида яна бир қисм — «Илмул бадиъ» яъни бадиий илм ҳақида сўз юритилади. Унинг таърифича: «Бу шундай илмки, унинг воситаси билан шароит тақозосига муносиб, ошкора гапни бадиий безаш, жилолаш усуллари ўрганилади». Айтайлик, муболаға, ружъу, таврийа каби кўп маъноли сўзлар ўз ифодасини топиши керак. Китобнинг сўнгги бўлими «Илмул баён» да муаллиф: «Бу шундай илмки, унинг воситаси билан шароит тақозосига муносиб гап орқали кўзланган маънони сақлаган ҳолда турли таркиб ва услубларда келтириб ўрганилади». Жумладан, бу бўлимда ҳақиқат ва мажоз, истиора, киноя, ташбеҳ сингари боблар келтирилган.

Мағриблик тарихчи ибн Ҳалдун ўзининг «Тариху ибн Ҳалдун» китобининг муқаддимасида Тафтазоний ҳақида маълумот беради: «Мен Мисрда Хиротнинг буюкларидан бўлмиш хуросонлик Саъдуддин Тафтазоний номи билан машҳур кишининг асарлари билан танишиб чиқдим. Илми-калом, усули фиқҳ баён илмига тегишли китоблар Тафтазонийнинг юксак малака соҳиби эканлигидан нишонадир. Баъзи китоблар эса унинг ҳикмат илмларини ва бошқа фанларни ҳам пухта эгаллаганидан далолат беради».

Ҳозирча Саъдуддин Тафтазонийнинг илмий мероси чуқур ўрганилмаган. Мустақиллик шарофати билан қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда маънавий меросимизни янада бойитишга имкон берадиган бу аллома ижоди ҳар жиҳатдан мукаммал ўрганилса, айни муддао бўлур эди.

Мирзааҳмад МИРАФЗАЛОВ.

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

ОЛИМПИАДА мусобақалари қизғин паллага кирди. Ҳар бир мамлакат терма жамоаси очколар тўплашга, совринли ўринларни эгаллашга ва мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Маълумки, мусобақанинг саккизинчи кунигача Россия спортчилари норасмий ҳисобда олдинда бормоқда эди. Кейинги кунлардаги баҳсларда мезбонлар ўзларини ўнглаб олишди. Ҳозир АҚШ олимпиадачилари жами 45 (18 олтин)та медаль билан пешқадамлик қилишмоқда. Россия терма жамоаси 30 (16 олтин)та медаль билан иккинчи бўлиб турибди. Бугун — олимпиадада 11-кун.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. 42 километр 195 метрли ўтказилган марафон югуришида эфиопиялик Хатур Марова 2 соат 26 минут 5 секундли натижа билан ғалаба қозонди. Уч хатлаб сакрашда эса АҚШ спортчиси Кенс Харовсон 18,9 метрли натижа кўрсатиб, олтин медаль олди. 20 километрга спортча юришда экваторлик Берс Деферсон манзилга биринчи бўлиб келди. Ядро иргитиш бўйича вакилимиз Сергей Кот 32-натижа кўрсатди. Югурувчиларимиздан Анвар Кўчмуродов ҳал қилувчи баҳсда иштирок этиш имкониятини бой берди. Людмила Дмитриади ҳам имкониятларидан фойдалана олмади.

ДЗЮДО. Алишер Мухторов битта ғалаба ва мағлубиятдан кейин кучли ўнликдан жой олди.

ТЕННИС. Етакчи спортчимиз Олег Огородов дастлабки учрашувни кўтаринки руҳда ўтказиб муваффақият қозонган эди. Кейинги ўйинда имкониятларидан фойдалана олмади.

ОҒИР АТЛЕТИКА. Грециялик Димас Перус 83 килограммгача вазнли полвонлар орасида даст кўтариш бўйича 180 килограмм натижа билан жаҳон рекордини ўрнатди. Икки кураш бўйича 392,5 килограмм натижа кўрсатиб, олимпиада чемпиони бўлди. Россиялик Алексей Петров 91 килограммгача вазнли полвонлар қатори куч синашишди. У 420,5 натижа билан чемпион бўлди.

ГИМНАСТИКА. Вакилларимиздан Оксана Чусовитина кўпкураш баҳсларида кучли ўнликдан жой олди. Анастасия Дзюндзас эса 30-натижа кўрсатди.

БОКС. Наримон, Отаев, Дилшод Ёрбеков, Карим Тўлагановлар курашни давом эттирмоқдалар.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳайрат

БЕҒУБОР СЕВГИ...

«Гулхан» журналининг бир сонида ёш шоира Гуландом Тоғаеванинг севимли шоирамиз Ойдин Ҳожиевага ёзган соддалигу, самимийликдан иборат мактубларини ўқиб қолдим. Киши кўнглига жудаям яқин, қишлоқча бир ҳарорат бор эди ўша хатларда. Ўшанда дилимга тугиб қўйган эдим: «Мен ҳам ўқишга кирсам болалигимнинг беғубор дамларини шеърга соламан» деб. Лекин болалик — бу шеърга ҳам сиғмайдиган олам экан. Дарёдек тошиб турган қалбни, кўм-кўк яйловлар, оппоқ пахтазорларни, чанг кўчаларда ёрилган жажжи оёқчалару, маъюсгина кўзларни қандоқ қилиб шеърга соламан?!

Шеърга ишқи тушган азиз дўстларим! Айтинг-чи, қайси бирингиз шоираю, шоирларга ҳавас қилгансиз? Уларга тақлид қилиб шеърлар ўқимаганмисиз? Қай бирингиз севимли шоираларингизни китобларини бағрингизга босиб ёки ёстиғингиз остига қўйиб ухлагансиз? Менимча, бу ҳамманинг ҳаётида бўлади. Чунки ўзим Зулфия опанинг китобларини бағримга босиб, Ойдин Ҳожиеванинг китобларини болишим остига қўйиб ухлардим.

Мен ўша ўтли, шукуҳли, фаришта кунларим ҳикоясини сизга тақдим этмоқчиман! Кичкинагина, жиккаккина қизча эдим. Қўлимда узун «чўпон таёқ». Елинлари сутга тўлмаган, озғингина сигиримни ўтли жойга ҳайдаб, секингина дарёнинг бўйига тиз чўкардим. Қумлоққа ёза бошлардим: «Ойдин опа». Узо-о-оқ тикилиб турар эдим. Маъюсгина кўзларим ёшланар эди. Сўраб-сўраб Тошкентнинг қаёқдалигини билиб олгандим. Ўша тарафга тикилиб ўйлардим. «Шу тарафда Тошкент деган шаҳару, у ёқда Ойдин Ҳожиева деган шоира бор. Бир кўрсам эди»... Менинг дунёдаги энг катта орзуим шу эди.

6-синфга кўчдим. Дарсхонамга кирганлар ҳайратда эди. Деворимда фақат Ойдин опанинг суратлари ёпиштирилган. Акам чиройли ҳинд қизларини, актрисаларни суратларини олиб келарди. Мен эса уларни олиб, ўрнига Ойдин опанинг суратларини қўярдим. Акам индамас эди. Чунки ҳаммаси Ойдин опани яхши кўришимни билишарди.

1994 йил 20 октябрь ҳаётимда энг қувончли кун бўлган. Ойдин опадан илк бор мактуб олганман. Қандай саодатли кун эди ўша кун! Онам чангга ботиб мош совураётган эди. Бу хабарни эшитиб бирам суюнди. Ҳамма дугоналаримга мақтандим. Шу миттигина хатнинг руҳи билан қанча кунлар, йиллар яшадим. Бу ўтган вақт оралиғида кўп ғаройиб воқеалар бўлиб ўтди. 1995 йил 31 июль куни орзуларим ушалди. Мен Ойдин опани кўрдим. Йиллар мени анча дадил қилиб қўйганди. Ҳаяжонимни яширолмадим...

Одам умрининг энг ширин, беғубор дамларини қўмсар экан. Мен ҳам бугун болалигимни соғиндим. Ўша чўпон таёқни, сигиримни, юлдузларга тўла осмонимни кўргим келяпти. Энди у кунлар қайтармикан?

Гулжамол АСҚАРОВА,
ТошДУ 1-курс талабаси.

Тақдир

УМР ЎТМОҚДАДИР...

Улар доимо бирга юришади. Тўй — ҳашамдаям, йиғин - сиғиндаям. Нега шундайлигини сўрагим келади-ю, аммо ботинолмайман. Ноқулай. Ўзимча, дилга тугиб қўяман: унинг ҳам мавриди келар.

Қаерда Хўжақул ака — ўша ерда унинг аёли Басанда опа, дейилса ишонмаслар. Лекин бор гап. Балки ҳар вақт ёнма-ён юриш кексаликнинг буюк неъматидир. Айтадиларку, қарилик чол-кампирни бир-бирига суянчиқ, янада меҳрибон қилиб қўяди, деб.

Ҳавас билан Хўжақул Эшқурбоновга қарайман. 70 ёшнинг остонасидаги нуроний умрининг 48 йилини турли идораларда хизматда ўтказибди.

— Ўсмирлигим жуда оғир дамларга тўғри келган, — дейди Хўжақул ака. — Уруш вақти. Бойсундаги собиқ «Қаҳрамон», «Ибрат» колхозларида ҳисобчиману, дала юмушларини ҳам қилишимга тўғри келарди. Ишчи кучи озлигидан ойлаб далада, хирмонда қолиб кетардим...

Эшитишга осон бу. Ҳозир бир кун уйингизга келмай ишлангчи?! Ўшанда ҳис этасиз бунинг қанчалар оғирлигини.

— Умри дала-даштда ўтган одамга ўхшамайсиз, — деймиз Эшқурбоновга ҳазиллашиб.

У одам кулимсираб қўлимга қоғоз тутқазади.

— Ҳисобчиликдан кейин қаерларда ишлаганим ёзилган.

Шоша-пиша уни ўқишга тутинаман: «1952 йили Ўзбекистон Адлия вазирлигининг икки йиллик юридик мактабини тамомладим. Сариосиё, Шўрчи, Бойсунда прокуратура терговчиси бўлдим. Сўнг Термиз, Бойсун туманларида прокурор вазифасида ишладим.»

Тақдир Хўжақул ака, Басанда опанинг юлдузларини тўғри қилди. Уларнинг турмуш қурганигаям 44 йил бўлибди.

— Ҳаётдан нолийдиган жойимиз йўқ, — дейди Басанда опа. — Етти қиз, тўрт ўғил кўрдик. Қизларимнинг тўртови олий маълумотли, Бахтиёр, Ҳасан - Ҳусанлар Термиз Давлат университетида ўқишади. Икки қиз, бир ўғлимиз ўрта махсус маълумотга эга. Қизимиз Муҳаббат Сурхондарё вилоят савдо кооператив бошқармасида, Назокат вилоят солиқ инспекциясида ишлайди.

Қанийди ҳамма онаям фарзандлари, оиласи ҳақида шундай фахрланиб гапирса.

Яна қоғозга кўз юритаман: «Тақдир-тақозосига кўра касбим ўзгарди. 1967 йилдан 1992 йилгача Бойсун туман босмахонасида директорлик қилдим»...

Матбаатчиликни жонлантириш, халқ маънавияти ва тафаккурини бойитиш йўлидаги 25 йиллик хизмат Хўжақул Эшқурбоновга шуҳрат келтирди. Чунки ситқидилдан меҳнат қилди. У 1981 йили 1,5 миллион оттискага мўлжалланган босмахона қурдирди. Қоғоз омборхоналарини ишга туширди. Бир неча хонали дам олиш масканлари бунёд этди.

Халқ ҳамма нарсани кўриб-билиб юради. Хўжақул аканинг ҳам жонфидолигига эл шоҳид. Унинг хизматини юртдошлари қадрлаб ҳурмат билан тилга оладилар. Кекса меҳнат фахрийсини эъзозлайдилар.

Эшқурбонов болалардай беғубор жилмаяди. Басанда опаям енгил бош тебратади. Чол-кампир олдин-кетин қўзғаладилар. Яна бирга кетишади...

Фазилат СОАТОВА,
Курбон АЛИ.

Суратда: Хўжақул ака аёли Басанда опа билан.

Суратқаш Муҳаммад АМИН

Табиат ва инсон

БАЛДОҚ ТАҚҚАН ЧАЛҚАРЛАР

Айдар ва Арнасой соҳилларида бўлганмисиз? Қизилқумнинг жанубида жойлашган бу масканнинг бетакрор гўзал манзараси, сўлим ҳавосидан ҳузур қилганмисиз? Тўр ташлаб, қармоқ отиб, сакраб турган балиқларни овлаш нақадар завқли. Кундузи қуёш қиздирса ҳам шабада эсиб туради, оқшоми сокин, оромбахш, саёз кўлчалар бир-бирларига уланиб кетган. Балиқларнинг кони дейишади. Ўт-ўланлар ва қамишзорлар орасида турли қушлар ғужғон ўйнайди.

1972 йилдан бери балиқчилик бригадалари бу ерда йилига 10 минглаб центнердан маҳсулот олиб, шаҳарликларга тортиқ қилиб келишмоқда. Умуман, бу ерларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бой ва ранг-баранг. Айниқса, сувда сузувчилар турининг кўплиги эътиборни тортади. Лекин битта аммоси бор. У ҳам бўлса, шундай жойларда овга рухсатномаси бўлмаган, тартиббузарларнинг кезиб юриши кишини ажаблантиради. Чунки улар нимани отишни, аниқ мўлжал олишни ёки овлашни билолмай, табиат мувозанатига путур етказгудек хатти-ҳаракатлар қиладилар. Наҳотки билиб-билмасдан ўқ узиш, ўлжасиз ҳам завқланиш мумкин бўлса. Елкасига милтиқ осган киши жонли нишонни мўлжалга олганда андак мулоҳазага борса, нохушликка йўл қўйилмаган бўларди.

— Кўлга ташлаб қўйилган тўрларни кузатиб юрардим, — дейди балиқчилар бригадири (Жиззах балиқ комбинати) Николай Ильинов. — Сув юзасида беҳол ётган чалқарни кўриб ғазабландим. Албатта, бу ишни ўрдак билан чалқарнинг фарқига бормаган кимса қилган бўлиши табиий. Отилган чалқарнинг яраланган жойлари ҳам шундан далолат. Бу қушни зимдан кузатар эканман, унинг оёғига «А-116.376» белгили балдоқ осилганлигининг гувоҳи бўлдим...

Маълум бўлишича, отилган чалқар оддий қушлардан эмасди. Фан учун ноёблиги ҳам кўпроқ Николай Ивановичга аён эди. Кўпчилик балдоққа ёзилган рақамларнинг мазмунини ечолмай бош қотирди. Кейин бу тунука халқани ёзиб, почта орқали тегишли институтга жўнатишга қарор қилинди. Қушларга белгили балдоқлар осиш манзилини бригадир яхши биларди. Унинг гапига қараганда қушлар оламини ўрганишга каттагина институт жамоаси жалб қилинган.

А. Северцов номли ҳайвонлар ривожланиши бўйича экология ва морфология институти олимлари олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Улар қушларга белги қўйиш, парвозини кузатиш, даволаш юмушлари билан 1924 йилдан бери банд. Ўтган давр мобайнида балдоқ таққан турли қушларнинг сони 3 миллионтадан ошиб кетди. Балдоқли қушлар ҳаракати ва яшаш тарзи бўйича хариталар тузилган. Ёввойи ўрдак, ғоз, чалқар, чуғурчуқ, ғунгқарға каби қушлар ёз ойларида шимолий ҳудудларда уя қуриб, куз ойлари Ғарбий Европа томонларга парвоз қиларканлар. Чунончи Англия, Франция, Бельгия, Голландия, Италия, Швейцария каби мамлакатларда бундай қушларни кўплаб учратиш мумкин. Оқ лайлак, ёввойи ўрдакнинг баъзи турлари, оқ ва кўк қарқаралар, қалдирғочу балиқчи қушлар қиш палласида Марказий ва Жанубий Африка табиатини маъқул кўрадилар. Ғарбий Сибирга келган ўрдаклар Ғарбий Европа ва Шимолий Африка, шунингдек, Марказий Осиё республикаларида қишлашади.

Ўрдакни эслатувчи қутб крачкилари 24 минг километр парвоз қилар экан. Уларга балдоқли белгилар қўйилиб, парвози кузатилганда Европа, Африка, Австралия соҳилларида макон топишгани аниқланган. Шунинг учун ҳам олимлар белгили қушларни нишонга олишни увол деб биладилар. Бундан ташқари қушлар оёғига балдоқ осиш билан уларнинг неча йил умр кўриши ҳам аниқланади. Қорабўйин, буқоқсимон қушлар 27 йил яшар экан. Ўрдаклар ва ўрдаксимон қушлар, кўл чалқарлари 24 йил, чуғурчуқлар эса 12 йилгача парвоз қилиш билан овора бўладилар. Тартиббузар томонидан отиб ўлдирилган «А-116.376» белгили чалқарни табиатсеварлар Қозоғистоннинг Алакўл сувида ушлаб, рўйхатга олган эканлар. Хуллас, қушлар дўстимиз, деб бежиз айтилмайди. Курраи заминнинг табиати гўзал ва хушҳаво жойларини излаб парвоз қилгувчи қанотли жониворлар инсоният, табиат ва экология ҳақида ҳам муҳим маълумотларни «бериб» туришларини унутмаслигимиз керак.

Мақсит МАҲМУТОВ,
республика Овчилик уюшмасининг фахрий аъзоси.

МАЛОҲАТ

- *Ўрик терингизга ором беради.*
- *Бақлажон ва қовоқлар қуруқ шамоллаган терига намхушлик бахш этади.*
- *Узум терини намлантириб, юмшатади.*
- *Бананлар эса терини намлантиради ва силлиқлайди.*
- *Қулупнай ҳам маймунжон каби терини намлантириб, соғломлашишга йўл очади.*
- *Лимон эса теридаги тешикчаларни яхши торайтиради. Шарбати кучли таъсир воситаси бўлгани учун уни юмшатиш мақсадида бошқа меваларнинг шарбатларини қўшиш мақсадга мувофиқдир.*
- *Агар терингиз ўртача бўлса, исталган мева-сабзавотлардан малҳам тайёрлаб, фойдаланишингиз мумкин.*

"ЭПСИЛОН-БЛОК"
масъулияти чекланган жамият
"Самсунг SQ-1000"
электрон ёзув машинкаларини
СОТАДИ.



"Самсунг SQ-1000"
ёзув машинкаси русча-лотинча шрифтли бўлиб, ишлатишда жўн ва қулайдир.
Йўриқномаси рус тилида.
Маълумотлар учун телефонлар: 33-99-51, 50-32-35

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ" компанияси
пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг АИ-95,
Қозоғистоннинг А-80, А-91 бензинини,
дизель ёнилғисини (Қозоғистон)
СОТАДИ
Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади. Кенг турдаги автошиналар ва аккумуляторлар, Финляндиянинг 15 W 40 мотор мойи, Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.

Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси, 59. ("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ") I-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712) 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.